


РАСМИЙ МУНОСАБАТ



Туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари мажмуаси берган маълумотга кўра, туман ҳудудидаги тупроқли йўлларни тошли йўлга ўтказиш ишлари олиб борилаётганлиги шунингдек 2021 йилда тумандаги 95 км узунликдаги йўлларга тош тўшаб берилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар ҳашар йўли орқали тумандаги маҳаллалар ҳудудидаги ички йўлларига туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳамда туман Ободонлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан тош тўкиш ишлари олиб борилмоқда, жумладан “Меҳробод” маҳалласи ҳудудидаги ички йўллар ҳам 2022 йилда манзилий дастурга асосан таъмирланиши ҳақида маълум қилинди.